ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 658.01:338.45:6П9:6.1.3(575.1)

**НАЗАРМАТОВ ОХУНЖОН СОТВОЛДИЕВИЧ**

# ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 - Менежмент

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини
олиш учун ёзилган

**Д И С С Е Р Т А Ц И Я**

**Илмий маслаҳатчи: Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Г.Ш.Хонкелдиева**

1240
TDIU
kutubxonasi

**Тошкент – 2023 йил**

## Мундарижа


**КИРИШ** .......................................................................................................4

**I БОБ. САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ** ..........................18

1.1.Саноат корхоналари фаолиятида инновацион жараёнларни бошқариш тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари .................................................................................18

1.2. Саноат корхоналарида инновацион жараёнларни ривожланишининг назарий жиҳатлари.....................................................................................................................36

1.3. Саноат корхоналарида инновациялар самарадорлигини баҳолаш усуллари..........51

I. боб бўйича хулосалар...................................................................................................62

**II БОБ. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**..............................................................................65

2.1. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятининг замонавий ҳолати ва тенденциялари.........................................................................65

2.2. Рақамли ўзгаришлар шароитида саноат корхоналарида бошқарув самарадорлигини баҳолаш услубиёти......................................................................................................84

2.3. Тўқимачилик корхоналарида инновацион стратегияларни такомиллаштириш .....99

II боб бўйича хулосалар ..............................................................................................110

**III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ИННОВАЦИОН-ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ БОШҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**..................................................................112

3.1. Тўқимачилик саноати корхоналарида инвестицион фаолиятни услубий ёндошувлари .......................................................................................................................112

3.2. Тўқимачилик саноати корхоналарида инновацион бошқариш жараёнларини такомиллаштириш ............................................................................................................123

3.3. Тўқимачилик саноатида инновацион фаолиятни рағбатлантириш асосида инновацион кластерларни бошқариш механизми...........................................................137

III боб бўйича хулосалар................................................................................................169

**IV БОБ. ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**......172

4.1. Тўқимачилик корхоналарида инновацион махсулотлар ишлаб чиқаришнинг кенгайиши ........ 172

4.2. Ишлаб чиқаришга замонавий рақамли технологияларни жорий этиш натижалари ва истиқболлари ........ 193

4.3. Тўқимачилик корхоналари маркетинг стратегияларини ривожлантириш ........ 209

IV боб бўйича хулосалар ........ 219

**ХУЛОСА** ........ 224

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ** ........ 227

# КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда глобализация жараёнларининг чуқурлашуви мамлакатларда инновацион иқтисодиётни ривожлантириш, жумладан, корхоналарнинг инновацион бошқарув жараёнлари самарадорлигини ошириш заруриятини вужудга келтирди. Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви шароитида мамлакатларда иқтисодиётни инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш, хусусан, саноат корхоналари инновацион бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш орқали юқори иқтисодий самарадорликка эришишнинг муҳим шарти сифатида баҳоланмоқда. “Глобал инновацион индекс – 2021” маълумотларига кўра, саноат корхоналари инновацион бошкаруви самарадорлигини тавсифловчи билим ва инновацияларни узатиш бўйича Швеция (1/2), АҚШ (2/3), Швейцария (4/1) каби мамлакатлар етакчи ўринларни эгаллаган ҳолда, мазкур мамлакатларда инновацион иқтисодиёт ҳисобига ЯИМнинг 70 фоиздан ортиқ қисми яратилади[1]. Ушбу ҳолат тараққий этган мамлакатларда саноат корхоналарининг инновацион бошқаруви самарадорлигини оширишга устуворлик қаратилишидан далолат беради.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида мамлакатлар миллий иқтисодиёти тармоқларида хўжалик фаолияти юритувчи корхоналарнинг инновацион бошқарувини такомиллаштириш соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларда корхоналар инновацион фаолияти самарадорлиги баҳолаш, инновацион лойиҳаларни корхоналар бошқаруви амалиётига жорий этишнинг замонавий механизмларини шакллантириш, корхоналарда инновацион бошқарувни ташкил этиш самарадорлигини оширишга катта этибор қаратилмоқда. Шу сабабли, иқтисодий адабиётда саноат корхоналарининг инновацион бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш, жумладан, корхоналар инновацион

[1] Global Innovation Index 2021: Tracking Innovation through the Covid-19 Crisis / World Intellectual Property Organization, 2021. – p. 226. https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2021.pdf